



КЛАСТЕРЛАР РИВОЖИ УЧУН ИМКОНиятлар кенгайтирилади

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 27 октябрь куни қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Йиғилиш аввалида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қўллаб-қувватлагани учун халқимизга миннатдорлик билдириб, сайловолди дастурида айтилган барча мақсад ва вазифалар албатта амалга оширилишини таъкидлади.

Жумладан, қишлоқ хўжалигида ҳам улкан режалар белгиланган. Келгуси беш йилда ҳосилдорликни камида 2 баробар кўтариш, хомашёни чуқур қайта ишлаш, соҳа экспортини 7 миллиард долларга етказиш, аҳоли бандлиги ва даромадларини янада ошириш мақсад қилинган.

Бунда кластерлар асосий таянч ва етакчи бўлади. Бу тизим қисқа вақтда катта ўзгаришларга замин яратди. Масалан, биргина пахтачиликда толани қайта ишлаш 2,5 баробарга ошиб, 100 фоизга етказилди. Шунингдек, ип-калава ишлаб чиқариш 2 баробарга, тайёр маҳсулот — 3 баробарга орти, экспорт йил якунига қадар 3 миллиард долларга етади.

Пахта хомашёсидан тайёр маҳсулотча бўлган бошқичларни қамраб олган 2 миллиард долларлик 125 та янги корхона ҳамда 150 мингта доимий иш ўрни ташкил қилинди.

Кластерлар томонидан 5 мингдан ортиқ юқори унумли техникалар олиб келинди, 126 минг гектар майдонда сув тежаш технологиялари жорий қилинди.

Инновацион ёндашув натижасида ҳосилдорлик ҳам ошиб бормоқда. Кўп кластерлар бу йил пахтадан 35-40 центнергача ҳосил олди.

Давлатимиз раҳбари бу ишларни давом эттириш, қишлоқ хўжалиги ва агросаноатда самарадорликни ошириш учун кластерларга имкониётларни кенгайтириш кераклигини таъкидлади.

Жойлардаги сайловолди учрашувларида фермер ва деҳқонлар, кластер раҳбарлари ўзларини қийнаб келаётган қўллаб муаммоларни айтган. Бу масалалар тизимлаштирилиб, уларнинг ечимлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган.

— Энг асосий муаммо — амалдаги эскича молиялаштириш тартиби, — деди Президент. — У соҳани ривожлантириш бўйича қўйилган талабларга мутлақо жавоб бермаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЮКИНИ КАМАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик субъектларини узоқ муддатли кредит маблағлари билан таъминлаш, уларнинг валюта хатарларини камайтириш, шунингдек, тадбиркорларнинг муаммо ва тақлифларини бевосита ўрганиш ҳамда тадбиркорликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август кuni** ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг валюта хатарларини камайтириш учун 1 миллион АҚШ долларигача миқдорда **хорижий валютада ажратилган кредитлар миллий валютага ўтказиб берил**аётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки, тижорат банкларидан **хорижий валютада**

олинган кредитлар миллий валютага ўтказилганда амалдаги компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг эквиваленти 1 миллион АҚШ долларидан, фоиз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган кредитларнинг асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган қисми бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жағмармаси (кейинги ўринларда — Жағмарма) томонидан **компенсация тақдим этилади**.

Бунда, Жағмармага мазкур кредитлар бўйича амалдаги компенсациялар миқдорларини қайта ҳисоб-китоб қилиб, уларнинг умумий миқдорини мутаносиб равишда ўзгартиришга рухсат этилади.



Давоми 2-бетда

давлат томонидан паст ставкаларда 100 миллион долларлик янги кредит линияси очилади. Шундай товарларнинг камида 80 фоизини экспорт қилувчи кластер ва бошқа тўқимачилик корхоналари учун ижтимоий солиқ ставкаси 3 йил муддатга амалдаги 12 фоиз ўрнига 1 фоиз қилиб белгиланади. Шунингдек, уларга мол-мулк солигини 3 йилга кечиктириб тўлаш имконияти ҳам берилади. Бунинг ҳисобига, корхоналар ихтиёрида йилгига камида 500 миллиард сўм маблағ қолади.

Яна бир қулайлик — келгуси йилдан ип-калавани қайта ишлайдиган кластерларга кредит олишда пахта хомашёси ва толасини гаровга қўйиш амалиёти жорий этилади.

Йиғилишда кластерлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтириш бўйича ҳам кўрсатмалар берилди.

Маълумки, ғалла етиштириш ва сотишда бозор муносабатларига ўтишмоқда. Президентимиз келгуси йилдан ғаллачилик кластерлари ва фермерларга бугдойни бозор нархида тўлиқ эркин сотиш ҳуқуқи берилишини таъкидлади.

Бунда, кластер ва фермер хўжаликлари 3 йил давомида ҳар гектардан 2,5 тонна ғаллани биржа савдоларига чиқариши талаб этилади. Қолган ҳосилни эса тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилади.

“Ўздонмаҳсулот” таркибидаги донни қайта ишлаш корхоналари ғалла кластерлари ташкил этиш учун очiq савдоларга чиқарилади.

Мутасаддиларга икки ҳафта муддатда ғалла бўйича тўловларни тўлиқ амалга ошириш бўйича кўрсатма берилди.

Йиғилишда мева-сабзавотчилик кластерлари ва кооперациялари учун ҳам қўшимча имкониётлар яратиш чоралари муҳокама қилинди. Уларни ҳам Қишлоқ хўжалиги жағмармаси орқали имтиёзли кредитлаш муҳимлиги таъкидланди. Жумладан, мева-сабзавотчилик кластерларига айланма маблағ учун, жағмарма ҳисобидан 1 йил муддатга 10 фоиздан кредит ресурслари ажратилади.

Келгуси йилдан мева-сабзавот ҳосилини иқлим хавфидан сугурталаш бўйича сугурта компаниялари

ўртасида танлов ўтказилади. Экспорт шартномаси бўлган кластер ва фермерларга сугурта мукофотининг 50 фоизи давлат томонидан қоплаб берилади.

Юртимизда 200 минг гектар паст ҳосилли пахта ва ғалла майдони қисқартирилиши режалаштирилган. Бу майдонлар аҳолига танлов асосида, узоқ муддатли ижарага берилди.

Давлатимиз раҳбари бунда эҳтиёжманд оилаларга алоҳида эътибор қаратиш, уларга деҳқончилик сирларини ўргатиш ва кўмаклашиш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун 100 миллион сўмгача бўлган мева-сабзавотчилик лойиҳаларига “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури шартлари асосида кредит берилиши қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги вазирлигида мева-сабзавотчилик кластерлари ва қайта ишлаш корхоналарини инфратузилма билан таъминлаш, давлат-хусусий шериклик асосида агрологистика марказлари барпо этиш бўйича топшириқлар берилди.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини янгилаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Бу борада фермер ва кластерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, келгуси йилдан бошлаб, техника сотиб олиш бўйича кредитларнинг 10 фоиздан юқори қисми давлат томонидан қоплаб берилиши белгиланди.

Шунингдек, импорт қилинадиган техника, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар божхона тўловларидан 3 йил муддатга озод этилади. Бунинг натижасида кластер ва фермерлар техникани 35 фоизгача арзон харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, лазерли текислаш, ҳосилдор ва касалликларга чидамли янги навларни экиш, уруғчиликни ривожлантириш, сув тежовчи технологияларни қўллаш учун ҳам имтиёзлар берилади.

Умуман, ушбу мақсадлар учун йилга жами 25 триллион сўм йўналтирилиши кутилмоқда.

Йиғилишда билдирилган ташаббуслар ижроси бўйича фармон ва қарор лойиҳалари ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ХХР РАИСИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 октябрь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида ХХР Раиси давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов муваффақиятли ўтказилгани ва унда ишончли ғалабага эришилгани билан самимий кутлади.

Овоз бериш натижалари янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсат халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини яна бир бор намойиш этгани алоҳида таъкидланди.

Хитой Раиси Ўзбекистон етакчисига омад ва янги муваффақиятлар, дўст Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва равнақ тилади.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Хитой ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Ишончга асосланган мулоқотнинг бугунги даражаси, жорий йил апрель ойида ўтган мулоқотларда эришилган келишувларга мувофиқ икки томонлама алоқалар ривожланаётгани ва ўзаро алмашинувлар фаоллашгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Сиёсий соҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти “ягона Хитой сиёсати”ни ҳамда “уч ёзуз куч” — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши қатъий курашни доимий қўллаб-қувватлашини билдирди.

Бундан ташқари, коронавирус пандемиясига қарши курашда кўрсатилаётган катта амалий ёрдам, шу жумладан, вакциналар ўз вақтида етказиб берилаётгани ва уларни биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани учун миннатдорлик билдирилди.

Раис Си Цзиньпин, ўз навбатида, Хитой Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, шунингдек, мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар дастурини қатъий қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Савдо-иқтисодий соҳада етакчилар товар айирбощлаш сезиларли ўсаётганини қайд этдилар. Хитой бозорига зарур маҳсулотлар, энг аввало қишлоқ хўжалиги товарларини илгари суриш мақсадида жорий йил ноябрь ойида Шанхай шаҳрида ўтadиган тўртинчи Импорт товарлар халқаро кўргазмасида Ўзбекистон фаол иштирок этишига келишиб олинди.

Беш йиллик Савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини тайёрлаш, унга стратегик аҳамиятга эга, шу жумладан, инновациялар, сунъий интеллект, рақамли технологиялар ва электрон тижорат соҳалари бўйича лойиҳаларни киритиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Камбағалликни камайитириш масалаларида тажриба ва билим алмашиш муҳим йўналиш сифатида белгилаб олинди. Шу ойда икки мамлакатнинг ваколатли идоралари томонидан имзоланган меморандумни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари Хитойни минтақамиз билан боғлайдиган ва “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Евроосиё транскитъавий транзит йўлагини шакллантирадиган самарали транспорт йўналишларини ривожлантириш зарурлигини таъкидладилар.

Фан ва таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳолини эмлаш, спорт, туризм, маданият ва бошқа йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш учун имкониётлар мавжуд экани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳаммаси ва дўст Хитой халқига 2022 йилда Пекин шаҳрида ўтказиладиган қишки Олимпия ўйинлари муваффақиятли ўтказилишини тилади.

Жорий йил якунигача Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро қўмитасининг навбатдаги йиғилишини ўтказиш, шунингдек, дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонлаш бўйича қўшма дастурни тайёрлашга келишиб олинди.

Ўзбекистон Президенти ва ХХР Раиси халқаро кун тартиби ҳамда минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Давлатимиз раҳбари Хитой етакчиси томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида илгари сурилган Глобал тараққиёт ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Бундан ташқари, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг бошқа институтлари доирасидаги яқин мулоқотни давом эттиришга келишиб олинди.

Хитой етакчиси мамлакатимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидagi раислигини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Давлат раҳбарлари Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ва иқтисодий тараққиётга эришиш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар. Афғон халқига кўмаклашиш мақсадида ШҲТ ва бошқа форматлар доирасидаги мулоқотни давом эттириш ҳақида келишувга эришилди.

Мулоқот якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Раис Си Цзиньпин дўст халқларимиз ва мамлакатларимизга тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Суҳбат ҳар доимгидек очиқлик, ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

ЎЗА

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ, ТАДБИРКОРЛАР ДАРОМАДИ ОРТМОҚДА

Худудларда “Маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг доимий даромад манбаини қўпайтириш орқали камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг шу йил 5 августдаги “Маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлик субъектлари билан аҳоли ўртасида кооперацияни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги қароридa ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган маҳаллаларда тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлаш бўйича Андижон тажрибасини юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этиш манзиллари ва молиявий ресурслари белгилаб берилди.



Давоми 5-бетда

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: САЙЛОВ КОДЕКСИ, САЙЛОВ АМАЛИЁТИ ВА ЯНГИЧА САЙЛОВ ДУНЁҚАРАШИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди.

Сайлов якунларига кўра, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёев ишончли ғалаба қозонди: 80,1 фоиз овоз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига иккинчи муддатга сайланди.



Давоми 3-бетда





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН



yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ
ВАЛЮТАДАГИ КРЕДИТ МАЖБУРИЯТЛАРИНИ
БАЖАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЮКИНИ
КАМАЙТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА
ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. Белгилаб қўйилсинки, 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси номидан чет эл валютасида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари (кейинги ўринларда — ХМИ ва ХХМТ) маблағлари ҳисобидан жалб қилинган кредитлар (қарзлар) лойиҳада иштирок этувчи молия ташкилотларига **10 йилдан кам бўлмаган муддатга ёки улар жалб қилинган муддатга қайта кредитланади.**

4. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги ХМИ ва ХХМТлар иштирокида қайта кредитланадиган лойиҳалар бўйича масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда лойиҳалар доирасида молиялаштирилган сублойиҳалар тўғрисида, шунингдек, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ахборотни ўз расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб борсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 февралдаги 77-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлики ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

6. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Маскур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб молия вазири Т.А.Ишметов, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг биринчи ўринбосари С.М. Холхўжаев, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва С.Ў. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 27 октябрь

САЙЛОВ ТААССУРОТЛАРИ

Таълим соҳаси вакили сифатида кўп хорижий юртларда бўлдим, турли миллат вакиллари билан суҳбатлашдим. Турфа манзаралар, ҳар хил қарашларни кўрдим. Уларнинг бари бир томону, кечаги Президент сайлови таассуротлари бир олам бўлди. Сайлов жараёнларини кузатиш истагида шахримизга келган қатор хорижлик кузатувчилар, олимлар билан суҳбатлашдик.

БИЗНИ ЯНГИ, ЁРУҒ
МАНЗИЛЛАР КУТИБ ТУРИБДИГулчехра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори

Туркиядан келган меҳмонларнинг “қадимдан бир бўлган қардошим — ота юртим” деган сўзлари, японларнинг ўзбекистонлик ёшлар иқтисодини кўриб хайратланиши, юртида тўрт фаслни соғинадиган малайзияликларнинг чиройли боғ-роғларимиз, кузининг тароватига кўзлари ёниб боқишлари, исломий давлатлардан келганларнинг алломаларимиз меросига ҳавас қилиши, буюқ аждодларимиз қадами теккан қадимий заминга ошиқиши... Хуллас, меҳмонлар ўзбекистонликларнинг ҳаётга, жамият ривожига бефарқ эмаслиги, мамлакатимиз жадал ривожланаётганини тан олиб, ҳавасда эканини яширмади.

Аёлларга бўлган эътибор, ёшларга оид давлат сиёсати, очкичлик, бағрикенглик ва барча соҳада кузатилаётган жиддий ўзгаришларни кўриб, улар ҳақида фикрларини баён этиб, амалга ошираётган ишларимизга баҳо беришганида, демек биз тўғри йўлдамиз, деган ишонч янада мустаҳкамланди, қалбимиз фаҳрга тўлди.

Малайзиялик олимпиа, Ислам цивилизацияси институти директори Фариза Бин Шамнинг бир гапи ҳамон қулоғимда жаранглаб турибди: “Сизлар бетакдор, ҳавас қилса арзигулик, буюқ тарихга эга юрtdа яшаётган бахтли инсонларсиз. Дунё тамаддунига бекиёс ҳисса қўшган илмий аждодларингиз билан фахрланасиз. Тез ўзгариб бораётган бугунги замонда сиз — ўзбекларнинг ниҳоятда катта вазифангиз бор. У ҳам бўлса, аждодларингизга муносиб ёшларни тарбиялаш. Юртингиз обрўсини ошириш айнан уларнинг қўлида бўлади. Бошқача бўлиши мумкин эмас”.

Албатта, Фариза хонимга мамлакатдаги ислохотлар айнан шу мақсадларни қўлагани ҳақи-

да сўзлаб бердим. Унинг таъкидлашича, алломаларимиз ҳаёт йўли, илмий мероси Малайзия мактабларида бошланғич синфлардан бошлаб ўқитилар экан.

Яна бир гап. Фариза хоним малай тилини ўрганиб, меҳмонимиз тилида эркин гаплаша оладиган талабаларимиз билан суҳбатлашганида, қолаверса, уларнинг билимига, иқтидорига тан берган вақтда бўйим яна бир қарич ўсди. Ғурур ҳисси инсонга куч беришини ўзимда ҳис қилдим.

Халқимиз шундай фахр, зўр қувонч ва тўлиқ ишонч билан ўз етакчисини сайлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида халқимиз олдида ортга қайтмас тараққиёт йўли — янги Ўзбекистон стратегиясини амалга ошириш мақсадлари турибди. Бу қутлуг йўлда биргаликда кўзлаган маррага етишга тўла ишончимиз бор. Чунки биз ўтган беш йилда мисли кўрилмаган ютуқларни қўлга киритдик. Бунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим дастуруламал бўлди. Фаровон ҳаёт учун ислохотларни амалга оширишда етарли таҳриба тўппадик. Бизни янги, ёруғ манзиллар кутиб турибди. Шу йўлда юртимизнинг кўп миллатли, аҳил халқи, албатта, ўз иродасини намоён этишига, давлатимиз раҳбари ташаббусларини, ғояларини ҳамжиҳатликда қўллаб-қувватлашига ишончимиз комил.



Сиёсат

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДАН KEYINГИ ЎЙЛАР...

ТАРИХИЙ ИСЛОХОТЛАРГА
ОЧИЛГАН ЙЎЛ:
халқимиз фаровонлик бардавом,
фарзандларимиз бахтли бўлишини истайдиФахриддин ЖУМАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
Қашқадарё вилоятидаги
Халқ қабулхонаси мудири

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида янги юксалиш даври бошланмокда. Юртдошларимиз 24 октябрь кунни тарихий танловини амалга оширди — ўз Президентини қайта сайлади. Бу танлов ўтган беш йиллик тараққиёт йўлимизнинг муносиб эътирофи сифатида бўй кўрсатди. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, кейинги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар бирма-бир кўз ўнгимиздан ўтади. Албатта, бу ҳақда кўп ва ҳўп гапириш мумкин. Бугун биргина фуқаролар дардини эшитадиган, улар билан мулоқот қиладиган янги механизм — Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари ҳақида сўз юритишни жоиз билдик.

Ўтган беш йил мобайнида давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, бугунги кунда давлатимиз инсон учун, халқ учун очилди. Халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду тавишлари, муаммоларини ҳал қилиш бўйича мутлақо янги тизим яратдик. Эндиликда давлат ташкилотлари иш фаолиятида, раҳбарлар онгида халқ ичига кириш, одамлар дардини эшитиш, тавишига шерик бўлиш ва муаммоларни жойида ҳал этиш тамойиллари асосий мезонга айланди. Энг муҳими, биз кўп йиллар давомида амал қилиб келинган “давлат — жамият — инсон” тамойилини ўзгартирдик. Мамлакатимизда аввало инсон, кейин эса, жамият ва давлат манфаати барча ҳаракатларимизнинг негизига айланди. Ҳаётимизда “Давлат — инсонлар учун” деган халқчил ғоя изчиллик билан қарор топмокда. Бизнинг бу ҳаракатларимиз Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби буюқ аждодларимизнинг давлат ва халқ бирлиги, инсонпарварлик ва адолат устуворлиги ҳақидаги юксак ғояларига таянади.

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИНИ ТИНГЛАШ
ТИЗИМИ ЮКСАЛИШ САРИ ЙЎЛ ОЧАДИ

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида ҳар кунни ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бермокда. Президентнинг жойларда Халқ ва Виртуал қабулхоналари ташкил этилганидан кейин одамларнинг ҳақиқий ҳаётидан хабардор бўлиш, уларнинг кўп йиллик муаммоларини, талаб ва эҳтиёжларини яқиндан ўрганиш, жойида ҳал этиш, зарур чора-тадбирларни белгилаб, ижтимоий адолатни таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Зотан, ҳақиқат бахсларда, мулоқотларда бўй кўрсатади.

Индаллосини айтганда, одамлар юрагида йиғилиб қолган дардлари, аллақачон ҳал қилиниши мумкин бўлгану, лекин ўзибўларчилик, сансоларлик оқибатида йиллар давомида ечилимай келган муаммолар юзага чиқа бошлади. Энг муҳими, одамлар дардини айтиши, каттақ кичик идоралар раҳбарлари билан юзма-юз гаплашиши, муаммоларига қисқа фурсатда ечим топиши учун қўлай имконият юзага келди. Нафақат муаммолар, балки уларнинг талаб ва таклифларига ҳам қўлоқ тутилди, бу таклифлар йиғилиб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши йўлга қўйилди, улар асосида янги қонунлар, қарорлар қабул қилинди.

Конституциямизнинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органлари-

га, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эгалиги белгилаб қўйилган. Кейинги йилларда ана шу халқчил модда ишлай бошлади.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари, энг аввало, аҳоли мурожаатларига жиддий эътибор қаратди. 2017 йил “Халқ билан мулоқат ва инсон манфаатлари йили”, деб эълон қилиниши фуқароларнинг мурожаат қилиш билан боғлиқ ҳуқуқларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида қўйилган дастлабки қадамлардан эди.


Фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тўдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва маскур ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу тамойил барча бўғиндаги раҳбарлар фаолиятининг асосий мезонига айлانгани натижаси ўлароқ, Халқ қабулхоналари томонидан фуқаролар билан давлат бошқарувининг барча бўғинлардаги раҳбарлари иштирокида ташкил этилаётган қабуллар ва очик мулоқотлар жараёнида минглаб фуқароларимизнинг узоқ йиллардан буён ҳал қилинмаган кўплаб муаммоларини ижобий ҳал этишга эришилмокда.

Вилоят, шаҳар ва туман Халқ қабулхоналарининг барчасида жисмоний ҳамда юридик шахслар вакилларининг мурожаатларини қабул қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, энг чекка ҳудуддаги Халқ қабулхонасида ҳам оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклдаги мурожаатлар қабул қилиб олинган кўннинг ўзидаёқ электрон тизим орқали ижрочиларга етказиб берилишига эришилди.

Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналар томонидан кўриб чиқиш учун ижро органига юборилган мурожаатларни белгиланган муддатларда, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқи-лишининг назорати таъминланди.

Аҳамиятلى томони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва жойлардаги Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши билан фуқаролар туман ёки вилоят марказида сарсон бўлиб юришининг олди олинди.



Фуқароларимиз ўзларини қийнаётган муаммоларини нафақат жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, балки Олий Мажлис депутатлари, сенаторлар, прокуратура, олий суд, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, барча даражадаги вазирликлар, давлат қўмиталарининг масъуллари томонидан мунтазам ўтказиладиган шахсий ва оммавий қабуллар жараёнида ҳам билдира бошлади.

Жорий йилнинг 23 июль кунни Ўзбекистон Республикаси Президентини бошчилигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини мутлақо янги ташкил этиш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ ва Виртуал қабулхоналари фаолиятини янада жонлантириш, ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмаслиги юзасидан тегишли тартиб-тамоийилларни мустақамлаш борасида янги чора-тадбирлар белгиланди.

Шу йиғилишда Президентимиз ҳокимлар, сектор раҳбарлари ва давлат ташкилотлари бир ойлик муддатда барча мурожаатларни қайта кўриб чиқиб, ҳал қилиш чораларини кўриши, Халқ қабулхоналари мурожаатларининг кўриб чиқилиши устидан назорат олиб бориши, кўнлик қабуллар мунтазам ўтказиб борилиши, ҳафтасига икки мартаба жисмоний ва юридик шахслар иштирокида сайёр қабул ўтказилиши, ҳоким хонаси Халқ қабулхонаси бўлиши, бирорта ҳам мурожаатни ҳал қилмасдан қолдирмаслик, фуқарони рози қилиш фаолиятимиз бош мезонига айланиши бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоят ҳокимлигида Халқ қабулхонаси, секторлар ва соҳавий ташкилотлар кесимида мурожаатларни кўриб чиқишни мувофиқлаштириш юзасидан 2 та ишчи гуруҳ ва алоҳида хизмат хоналари ташкил этилди.

Вилоят ҳокими бошчилигидаги маскур ишчи гуруҳ ўтган муддатда кўриб чиқилмаган мурожаатларни қайта ўрганиб, ҳал этиш чораларини кўра бошлади. Қайта кўриб чиқилаётган мурожаатларнинг қўнуний ҳал қилиниши устидан жойлардаги Халқ қабулхоналари ходимлари томонидан кўнлик мониторинг ўрганишлар ўтказиш йўлга қўйилиб, қатъий назорат ўрна-

тилди. Пировардида, шу кунга қадар 69 мингга яқин мурожаат қайта кўриб чиқилиб, уларнинг қарийб 70 фоизи ижобий ечим топди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳокими томонидан мингдан зиёд фуқаронинг мурожаатлари қабул қилиниб, уларнинг 800 га яқини ижобий ҳал этилди. Айримлари ҳал этиш жараёнида турибди.

Айтиш жоизки, фуқаролар мурожаатларида кўтарилаётган масалалар давлат органлари фаолиятига тутилган кўзгудир. Шу маънода, халқимиз ҳаёти фаровонлиги учун масъул шахслар ўз фаолиятини тўғри йўлга қўйиши, қарор қабул қилишда мурожаатларда кўтарилаётган долзарб муаммоларга алоҳида эътибор қаратиши ўринли бўлади. Бир сўз билан айтганда, фуқаролар мурожаатлари тизимли юксалиш сари йўл очиши керак. Президентимиз фуқаролар билан ишлаш бўйича йўлга қўйган янги тизимнинг бош мақсади ҳам шу аслида.

МУАММОЛАР МАЗМУНИ:
КЕЧА ВА БУГУН

Ечимни йўқ муаммо бўлмайдми. Бунинг учун эътибор ва кўнл керак, ҳолос. Ўтган йиллар давомида шундай ҳулосага келишимизга сабаблар кўп бўлди. Яна бир гап, бундан тўрт-беш йил аввал мурожаатлар шу қадар кўп эдики, санаб адоғига етиб бўлмасди.

“Уйда чироқ йўқ”, “Бизга газ беринг”, “пенсия-ни қачон вақтида оламиз”, “пластикдаги пулни нақд қилишимиз керак”, “уйимни таъмирлаб беринг”, “боламага нафақа ололмаймман”, “иш керак”... Уларни узоқ санаш мумкин.

Эътибор беринг, Халқ қабулхоналари ишга тушган дастлабки йилларда мана шу каби муаммолар аҳолини узоқ йиллар қийнаб келгани гувоҳи бўлганмиз. Бу айтишга осон, лекин шу муаммолар билан бир кун яшашнинг ўзи оғир.


Орадан қисқа вақт ўтиши билан ўнлаб маиший муаммоларга ечим топилди. Ечим топиладиган ҳам фақат мурожаат қилган фуқароларга ёрдам берилгани йўқ, аксинча, халқни энг кўп қийнаётган муаммолар илдизи билан бартарар қилинди.

Мана масалан, бугун Халқ қабулхонасига ҳеч ким кишлоғимизда чироқ ўчиб қоляпти, деб келмайди. Олис, тоғли кишлоқларда ҳам чироқ ўчмаяпти. Бир вақтлар суолтирилган газ етказиб бериш ҳам тўхтаб қолган кишлоқлар кўп эди. Кейинги даврда ҳар бир уйга газ баллонлари етказиб берилмокда.


Бугун бирор юртдошимизнинг “пластикдаги пулимин нақд қилиб беринг”, деб банкка мурожаат қилганини кўрамизми? Йўқ, Чунки ҳар қадамда банкومات. Марҳамат чекланмаган миқдорда пул олинг, хоҳланг сўмда, хоҳланг долларда.

“Пенсиямиз кечикди”, деган нурионларни учратмаганимизга ҳам анча бўлди. Ҳозир пенсия-ку кечикмайди, ҳатто кексаларимизнинг уйига олиб бериб берилади.

“Уйимни таъмирлаб беринг”, деган мурожаатлар ҳам кескин қайтади. Бунга аниқ сабаблар бор. Бу фуқаро нима учун шундай дейишга мажбур бўлган эди? Чунки у ишсиз, атрофда тайинли иш йўқ, фарзанди боксимини, уйига қарасинми! Ўтган даврда фақат шаҳарларда эмас, кишлоқ жойларда ҳам янги корхоналар, фабрикалар иш бошлади. Минг-минглаб янги иш ўринлари яратилди. Бу корхоналарда уйини таъмирлашга қўрби етмай, кимга дардини айтишни билмай юрган фуқаролар ишлаб бошлади. Бугун уларнинг тоғидаги баракка бор, рўзғори бут, боласининг қорни тўқ, Муаммони илдизи билан йўқ қилиш шундай бўлади-да ахир.



Янги Ўзбекистон ислохотлари одамларнинг эски уйини таъмирлаш майли-ку, энг муҳими, аҳолини уй-жой билан таъминлашдек катта ижтимоий муаммони ҳал қилишга қаратилгани учун ҳам юртдошларимиз қалбини ёритди. Бунга мисол кўп. Уни сиз янги қурилган уйлар ва уларда бахтиёр яшаётган оналар тимсолида ҳар қадамда, ҳар кунни учратасиз.



Ниҳоят катта гапни айтаман. Бугун юртдошларимиз майда муаммолар гирдобидан чиқиб, умумтааллуқли масалаларни кўтаряпти. Сиебат билан қизиқяпти, қонунчилик механизми ҳақида ўйлаяпти.

Қишлоғимизни одоб қилайлик, кўчамиз, йўлимиз фэйзлик бўлсин, деяпти, янги мактаб қурайлик, фарзандимизни яхши боччага берайлик, деб қайғуряпти. Бу атиги беш йилда эришилган натижа. Бугун ана шу ислохотлар бардавомлиги учун овоз берди халқимиз.

Қўллон бобомизнинг “Бутун кунни халқ ичидан олайлик, Кучоқ очиб халқ ичига берайлик”, деган сатрлари ҳамма замоналар учун долзарб. Шу маънода, бугунги халқчи ислохотлар, одамлар манфаати қўзланган саъй-ҳаракатлар, албатта, тарихий тус олади ва келгуси ҳаётимизда кут-баракка ийниш учун кизмат қиладми.

МУНОСАБАТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:

САЙЛОВ КОДЕКСИ, САЙЛОВ АМАЛИЁТИ ВА ЯНГИЧА САЙЛОВ ДУНЁҚАРАШИ

Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Президент сайловининг ўзига хос хусусиятлари

Бу ҳақда фикр юритганда, аввало, ушбу сайловнинг бир қатор алоҳида хусусиятларини санаб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи хусусияти: Ўзбекистон Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, **Президент сайлови илк марта октябрь ойида ўтказилди.** Илгари аҳолининг сайлов овозига эга 6-7 миллион нафар вакили бу даврда пахта йиғим-теримида банд бўлиши ҳисобга олиниб, Бош қонунимизда сайловларни декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи яшанбасида ўтказиш белгиланганди.

Бу, бир томондан, жойлардаги сайлов участкаларини қишнинг совуқ ва қор-қировли кунларида овоз бериш учун тайёрлашда қўлпаб муаммоларни келтириб чиқарса, иккинчи томондан, фуқароларнинг сайловда иштирок этиш фаоллигига ҳам муайян даражада салбий таъсир кўрсатмай қолмасди. Шу маънода, бу галги Президент сайлови октябрь ойида ўтказилгани бундай муаммоларга осон ечим топиш имкониятини яратди.

Натижада сайловчилар рўйхатига киритилган **20 миллион 158 минг 907 нафар сайловчидан Президент сайловига, чет элларда овоз берган ватандошларимиз билан бирга ҳисоблаганда, 16 миллион 212 минг 343 нафар сайловчи иштирок этди.** Бу сайловчилар умумий сонининг **80,4 фоизи. 421 минг 176 нафар сайловчи жорий йил 14 октябрдан 20 октябргача ўтказилган муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.**

Иккинчи хусусияти: сайлов участкаларида пандемия шароитида аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур барча шарт-шароит яратилди. Сайлов пандемия шароити талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда ўтди.

Округ ва участка сайлов комиссияларига бир марта қўлланиладиган 12 миллион 700 минг дона тиббий ниқоб, 21,5 минг литр антисептик восита ва бошқа турдаги ҳимоя ҳамда дезинфекция воситалари етказиб берилди. Сайлов комиссияларининг 142 минг нафардан зиёд аъзоси коронавирусга қарши вакцина билан тўлиқ эмланди.

Учинчи хусусияти: Президент сайлови илк мартаба 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтказилди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси амалда жиддий синовдан муваффақиятли ўтди.

Бу ўринда сўнгги беш йил мобайнида мамлакатимиз миллий сайлов қонунчилигида жиддий ўзгаришлар юз берганига эътибор қаратиш лозим. Халқро ва хорижий экспертлар таъкидлаганидек, янги Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини изчил такомиллаштириш ҳамда сайлов ўтказиш амалиёти сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарилди.

Хусусан, сайлов қонунчилигига жорий йил 8 февраль ва 31 май кунлари ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу асосда, аввало, сайлов жараёни иштирокчилари, яъни сайловчилар, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда миллий ва халқро кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари кенгайтирилди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тузилди.

Замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизими янада такомиллаштирилди.

Президентликка номзодларнинг ҳар бири учун “Ўзбекистон-24”, “Ўзбекистон”, “Ешлар”, “Маҳалла” ҳамда “Маданият ва маърифат” телеканалларида 210 дақиқа бепул эфир вақти ажратилди. Ҳар бир телерадиоканалда сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқотида оид телекўрсатувлар ва

радиозешитиришлар 150 сонияли блокда 4 мартадан эфирга узатиб борилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокмпаниясининг 13 та минтақавий телеканалларида эса, шу мақсадлар учун 1 минг 900 дақиқа вақт ажратилди.

Бешинчи хусусияти: Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари ўз фаолиятини Сайлов кодекси талаблари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ва календарь режасига биноан, қонунийлик, мустақиллик, ҳолислик, очкилик, ошкоралик ва шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этгани сайловнинг сифати ҳамда савиясига бевосита ижобий таъсир кўрсатди.

Бунда, айниқса, сиёсий партиялар ва Президентликка номзодлар учун сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқоти учун тенг ва кенг имкониятлар яратилгани муҳим аҳамият касб этди.

Олтинчи хусусияти: сайлов жараёнлари оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали кенг ёритиб борилди. Бу борада, айниқса, ижтимоий тармоқлар низоҳатда фаол бўлди. Ушбу омиллар, ҳеч шубҳасиз, Президент сайлови халқро мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигига, унда белгиланган очкилик, ошкоралик, эркинлик ва адолат каби умумэтироф этилган демократик принципларга тўла мос ҳолда, кўтаринки руҳда ўтказилишига ақиндан хизмат қилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида президентликка номзодларнинг ҳар бири учун мамлакат аҳамиятига молик даврий нашрлар — “Янги Ўзбекистон”, “Правда Востока”, “Халқ сўзи”, “Народное слово” газеталари — 5 саҳифадан, шунингдек, “Овози тожик” ва “Нурли жол” газеталари 5,5 саҳифадан жой ажратди. Худудлардаги 26 та маҳаллий газета ҳар бир номзодга 42 саҳифадан жой тақдим этди.

Еттинчи хусусияти: илк бор номзодларнинг вакиллари ўртасида теледебатлар ўтказилди. Теледебатлар сайловчиларга ҳар бир сиёсий партия илгари сураётган гояларни таққослаш, партияларга эса давлат ва жамият ҳаётидаги ўзгаришларга доир қарашларини, янги тақлиф ва ташаббусларини эркин ифода этиш имконини берди.

Саққизинчи хусусияти: президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли ва сайлов дастури акс этган 847 минг 370 дона ташвиқот плакати ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида ҳамда илк мартаба тожик, қozoқ, туркман ва қирғиз тилларида чоп этилди. Номзодлар ҳақидаги маълумотлар мамлакат бўйлаб ўрнатилган 421 та электрон мониторда мунтазам намоиш этилди.

Тўққизинчи хусусияти: имконияти чекланган фуқароларнинг сайловда тўлақонли иштирок этиши учун тарғибот материаллари ва сайлов бюллетенлари брайль алифбосида чоп этилиб, аудиоёзувда тарқатилди, сурдо таржима билан таъминланди.

Ўнинчи хусусияти: фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, миллий маданий марказларнинг кўп минг сонли вакиллари ҳамда волонтерлар сайлов кампаниясининг барча босқичларида кенг ва фаол иштирок этди.

Ўн биринчи хусусияти: сайлов жараёнларини 197 та маҳаллий оммавий ахборот воситасининг 1 минг 439 нафар вакили ва 140 дан ортққ нуфузли хорижий ОАВнинг 233 нафар журналисти ёритиб борди. Шу мақсадда рўйхатдан ўтказилган жами оммавий ахборот воситалари вакилларининг сони 1 минг 672 нафарни ташкил этди.

Сайлов кампанияси давомида хорижий ва миллий нашрларда 76 мингдан зиёд материал эълон қилинди. Бу 2019 йилги парламент сайлови давридаги кўрастқикдан 34 мингга кўпдир.

Ўн иккинчи хусусияти: сайловни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши, Туркий кенгаш Парламент Ассамблеяси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби 20 га яқин нуфузли халқро ташкилотдан 631 нафар халқро кузатувчи бевосита кузатиб борди.

Шунингдек, 50 га яқин давлатдан 340 нафар хорижий кузатувчи ташриф бурди ва сайлов жараёнларини кузатишда фаол иштирок этди. Сайлов жараёнларини кузатишда жами 971 нафар халқро ва хорижий кузатувчи қатнашди.

Ўн учинчи хусусияти: сайловда иштирок этган бешта сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 64 минг 450 нафар вакил миллий кузатувчи сифатида сайлов жараёнида фаол бўлди.

Ўн тўртинчи хусусияти: биринчи марта мамлакатимизнинг ҳар бири ва шаҳарларидаги 207 та сайлов участкасига ўрнатилган 414



та видеокамера (бу 2019 йилги парламент сайлови давридаги кўрсатқикдан 147 фоиз кўп) орқали узатилган онлайн намоиш миллионлаб одамлар овоз бериш жараёнларини тўғридан-тўғри кузатиб бориши учун қўлай имконият туғдирди. Бу жараён, айниқса, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов портали ва Матбуот хизмати биносидagi улкан экранда, шунингдек, “Ўзбекистон-24” телеканали орқали тўғридан-тўғри ҳамда узлуксиз тарзда кўрсатиб борилди.

Ўн бешинчи хусусияти: ватандошларимиз учун 37 та давлатда ташкил этилган 54 та сайлов участкасида сайловчилар рўйхатига киритилган 299 минг 780 нафар фуқаромизга овоз бериш имконияти яратилди. Авваллари фақат консуллик ваколathonаларида расман рўйхат-

66

БИРИНЧИ МАРТА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУМАН ВА ШАҲАРЛАРИДАГИ 207 ТА САЙЛОВ УЧАСТКАСИГА ЎРНАТИЛГАН 414 ТА ВИДЕОКАМЕРА (БУ 2019 ЙИЛГИ ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ ДАВРИДАГИ КЎРСАТКИЧДАН 147 ФОИЗ КЎП) ОРҚАЛИ УЗАТИЛГАН ОНЛАЙН НАМОЙИШ МИЛЛИОНЛАБ ОДАМЛАР ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ КУЗАТИБ БОРИШИ УЧУН ҚЎЛАЙ ИМКОНИАТ ТУҒДИРДИ. БУ ЖАРАЁН, АЙНИҚСА, МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ САЙЛОВ ПОРТАЛИ ВА МАТБУОТ ХИЗМАТИ БИНОСИДАГИ УЛКАН ЭКРАНДА, ШУНИНГДЕК, “ЎЗБЕКИСТОН-24” ТЕЛЕКАНАЛИ ОРҚАЛИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ҲАМДА УЗЛУКСИЗ ТАРЗДА КЎРСАТИБ БОРИЛДИ.


дан ўтган Ўзбекистон фуқароларигина сайловда қатнашарди.

Бу галги сайловда мамлакатимизнинг дипломатик ваколathonалари мавжуд бўлмаган 11 та мамлакатда ҳам хориждаги юртдошларимиз учун зарур шароитлар туғдириб берилди. Яъни дунёнинг 149 та шаҳрида жами 380 та қўшимча кўчма сайлов участкаси ташкил этилди.

Ўн олтинчи хусусияти: ушбу сайловда илк бор овоз бериш кўрсатқичлари анча салмоқли бўлгани кузатилди. Бунда, бир томондан, биринчи марта конституциявий ҳуқуқидан фойдаланган 887 минг 686 нафар ёш илгит-қиз, иккинчи томондан, кейинги даврда Ўзбекистон фуқаролигини олгани учун илк бор сайловда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган минглаб юртдошларимизнинг улуши кўзда тутилмоқда.

Буларнинг барчаси сўнгги йилларда жамиятимизда тобора мустаҳкамланиб бораётган очкилик ва ошкоралик руҳининг сайлов жараёнида ҳам яққол намоён бўлганини исботлайди. Бинобарин, бугун халқлик ва демократик тамойилларга асосланган янги Ўзбекистон улғў аждодларимизнинг миллий ва тарихий анъаналарини давом эттириб, янада бойитиб, ҳар томонлама муттасил ривожланаётган замонавий демократик давлат сифатида бутун дунё эътиборини тортмоқда.

Шу маънода, Президент сайлови халқимиз юксак тафаккури ва донишмандлигининг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу сайлов янги Ўзбекистонда барча соҳаларда, жумладан, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг узвий ва мантиқий давомидир.



Сайлов қонунчилигига жорий йил 8 февраль ва 31 май кунлари ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Шу асосда, аввало, сайлов жараёни иштирокчилари, яъни сайловчилар, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, оммавий ахборот воситалари ҳамда миллий ва халқро кузатувчиларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари кенгайтирилди. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати тузилди.

Президент сайлови: самарадор Ҳаракатлар стратегиясига муносиб баҳо ва “Янги Ўзбекистон стратегияси”га юксак ишонч ифодаси

Президент сайловида халқимиз нафақат давлат бошлигини сайлади, балки янги Ўзбекистонимизнинг келажагини ҳам танлади. Эл-юрт истиқболи учун овоз берди.

Қолаверса, сайловда халқимиз ўтган беш йил давомида амалга оширилган кенг қўламли ва самарадор ислохотларни муносиб баҳоладди. Юртдошларимиз Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги шиддатли ва демократик ислохотларга ҳақиқий баҳо берди: **халқимиз ушбу стратегик дастур муаллифи ва ташаббускори, ҳақиқий ватанпарвар ва фидойи инсон Шавкат Мирзиёевдан рози эканини амалда тасдиқлади.**

Чиндан ҳам, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ўтган қисқа даврда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар кечди. Давлат раҳбарининг халқпарвар ички ва ташқи сиёсати натижасида жонажон Ватанимиз изчил тараққий этиб, халқимизнинг бахти тўқис ва ҳаёти тобора фаровон бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда демократик тамойиллар асосида ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-сиёсий муносабатларни қонунчилик йўли билан мувофиқлаштириш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга қаратилган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Инсон ҳуқуқлари, инсон қадри устувор аҳамият касб этмоқда.

Бугун Ўзбекистонда **“Инсон қадри учун!”** шиори кенг амал қилмоқда. Бунда, авваламбор, **“Халқ — давлат органлариға эмас, давлат органлари халқимизға хизмат қилиши керак”** тамойили ҳаётимизга изчил жорий этилаётгани

Янги Ўзбекистон ва янгича сайлов дунёқараши

Энг муҳими, Президент сайлови янги Ўзбекистонда янгича сайлов дунёқараши шаклланигани яққол кўрсатди. Бу, ўз навбатида, фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги юксалиб, янги Ўзбекистон тақдирига, демакки, ўзи ва оиласи келажагига дахлдорлик ҳисси янада ошиб бораётгани тимсолида рўй-рост намоён бўлди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш ҳамда эртанги кунимиз равнақида бугунги Президент сайлови ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шу боис, юртимизда ушбу сиёсий жараёнга пухта ва қизгин ҳозирлик қўрилди.

Фуқароларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Сайлов демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси, халқ хоҳиш-иродасининг эркин ифодасидир. Мамлакатимизда яратилган мутлақо янги сайлов тизими фуқароларнинг энг муҳим сиёсий ҳуқуқи тўлиқ амалга ошишига хизмат қилмоқда.

Сайлов жараёни халқро ҳуқуқ нормаларига мос ҳолда, ошкоралик, кўппартиявийлик, эркинлик, тенглик тамойилларига мувофиқ равишда бўлиб ўтди. Бунда сайлов тизимига оид қонунчиликда фуқароларнинг сайловолди кампаниясида ва овоз беришда эркин қатнашиши, овоз бериш яшринлиги, бунга ҳар бир фуқаронинг ўзи бевосита амалга ошириши белгилаб қўйилгани алоҳида аҳамият касб этди. Аксарият халқро, хорижий ва миллий кузатувчилар овоз бериш кунни сайлов участкаларидаги гавжумлик, кўтаринки кайфият эътиборини тортганини алоҳида таъкидлагани диққатга сазовордир. Зеро, бу муҳим воқеали аҳолининг сиёсий онги ошганини кўрсатади.

Яъни юртдошларимизнинг сайловда фаол иштирок этгани ва овоз беришдек масъулиятли ишни сидқидилдан бажаргани халқимиз Ватанимизнинг келгуси тақдирини белгилаб олишдек фуқаролик бурчига асло бефарқ эмаслигидан ёрқин далолат беради. Энг муҳими, бундай фаоллик нафақат пойтахтимизда, балки барча худудларда ва хорижий давлатларда ҳам бирдек намоён бўлди.

Давлат бошлиғи сифатида давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий бурчидир. Президент мамлакатда ички ва ташқи сиёсатни юритиш, халқимиз фаровонлигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни амалга оширувчи энг асосий ва муҳим шахс ҳисобланади.

Албатта, гоътада масъулиятли ушбу вазифаларни тўлақонли бажариш, мамлакат барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш осон иш эмас. Шу жиҳатдан сайловда муносиб номзодга овоз беришнинг аҳамияти жуда катта эканини халқимиз теран англаб етди. Бу ҳақиқатни сайлов якунлари амалда тасдиқлади.

Сайловга мажбуран қорловларга йўл қўйилмади. Қолаверса, оила аъзоларидан бир кишининг барча бюллетенларни ташлашидек эскирган амалиёт бу галги овоз бериш жараёнида даярли учрамади.

Янги Ўзбекистон учун бўлиб ўтган янгича сайлов чин маънода шаффоф ва очик тарзда ташкил этилгани билан тубдан фарқ қилди. Сайлов кунига қадар номзодларнинг сайловолди дастурлари билан обдон танишиб чиқиш имконияти яратилди.

Президентликка номзодларнинг чиқишларини оммавий ахборот воситалари ва интернет орқали нафақат бутун халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги эмин-эркин кузатиб борди. Буларнинг барчаси, албатта, ўзбекистонлик ҳар битта сайловчи келгуси беш йилда Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги учун садоқат билан хизмат қилишга қодир, ўзи муносиб топган номзодга овоз бериши учун талаб этиладиган барча шароит ва имкониятлар ифодасидир.

Хулоса қилиб айтганда, дунёқарашнинг ўзгариши — энг катта ютуқ. Инсоннинг онги ва дунёқараш ўзгарса, унинг ҳаёти албатта, ўзгаради. Шу асосда, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **“Барчамиз биргаликда янги Ўзбекистон тараққий стратегиясини амалга амалга оширамиз! Янги Ўзбекистонни биргаликда бунёд этамиз! Учинчи Ренессанс пойдеворини биргаликда яратамиз”**.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ДАВЛАТ ДАСТУРИ – АМАЛДА

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенатининг
Хотин-қизлар ва
гендер тенглик масалалари
қўмитаси раиси,
Лазиза НИЁЗОВА,
Олий Мажлис ҳузуридаги
Қонунчилик муаммолари ва
парламент тадқиқотлари
институтги етакчи илмий ходими

Боланинг бегонаси бўлмайди, дейди халқимиз. Рост, айни пайтда, чуқур маъно ҳам касб этади бу гап. Зеро, гўдак дунёга келиши билан ота-она бағрида яйраб ўсиши, меҳрга тўйиши, бахтли бўлиши учун ҳақли. Лекин ҳаёт турфа тақдирларга бой. Кимдир ота-онасидан эрта етим қолади, кимндир яна бошқа қисмат кутади. Шундай чоғларда қалби ўқсик ўғил-қизларни ўз бағрига олиш, уларга меҳр кўрсатиш, халқимизга хос юксак фазилат.

— ўн тўрт ёшга тўлмаган етим, ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни, шунингдек, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқароларни уларга таъминот, таълим-тарбия бериш, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жоиллаштиришнинг ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Вояга етмаган болаларни фарзандликка олиш Оила, Фуқаролик процессуал кодекслари, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 21 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низом ҳамда бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади. Қонунчиликка асосан, фарзандликка олишга фақат вояга етмаган болаларга нисбатан ва фақат уларнинг манфаатларини қўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш фуқаролар аризасига кўра, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олиш асослиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда суд томонидан амалга оширилади.

ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГУНГА ҚАДАР ҚАНДАЙ МУАММОЛАР МАВЖУД ЭДИ?

Фарзандликка олишга монелик қилувчи ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, Оила кодексининг 152-моддаси, “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддаси ҳамда Вояга етмаган болаларни фарзандликка ва болаларни оилага тарбияга олиш (патронат) тўғрисидаги низомнинг 9-бандига биноан вояга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин.

Лекин айрим шахслар бундан мустасно эди. Булар кимлар? **Биринчидан**, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар. **Иккинчидан**, қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар. **Учинчидан**, асаб касалликлари ёки нарколепсия муассаларида рўйхатда турувчилар. **Тўртинчидан**, фарзандликка олиш бўйича зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлангани ёки уларни лозим даражада бажармагани, ота-оналик ҳуқуқини суистеъмоъл қилгани, фарзандликка олинувчиларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлгани, шунингдек, сурункали ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка ружу қўйгани муносабати билан фарзандликка олиш бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар. **Бешинчидан**, қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган фуқаролар.

Олий суд Пленумининг 2013 йил 11 декабрдаги “Судлар томонидан фарзандликка олиш ҳақидаги ишлар бўйича қонунчиликини қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 13-бандида судлар томонидан қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар фарзандликка олувчи бўла олмаслиги инобатга олиниши лозимлиги, бунда суд ўз ташаббуси билан фарзандликка олувчи (фарзандликка олувчилар)нинг судланганлик ҳолати ҳақида ваколатли давлат органидан маълумотнома талаб қилиб олиши назарда тутилган.

Бирок шахсинг судланганлиги олиб ташлангани ёки Жиноят кодексига белгиланган муддатлар ўтгандан сўнг унинг судланмагани, деб ҳисобланишига оид ҳолатлар аниқ белгиланмаган. Шу боис, қасддан содир қилган жиноятлари учун ҳукм қилинган шахслар, уларнинг судланганлиги олиб ташланганидан қатъи назар, фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қатъий қоида мавжуд эди.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган 13 та болалар уйида 500 дан зиёд бола тарбияланаётган бўлса, уларни фарзандликка олиш учун ҳозирги кунда 5 792 фуқаро навбатда турибди. Фуқароларнинг йиллар давомида фарзандликка олувчилар рўйхатида навбатда туриши натижасида улар



томонидан қонуний ҳужжатлар расмийлаштириш жараёнини четлаб ўтиб, ноқонуний йўллар билан бола сотиб олишга уриниш ҳолатлари кўпайиб бормоқда. 2017-2021 йиллар мобайнида бола савдоси бўйича 206 та жиноий ҳолат юз бергани фикримизни тасдиқлайди. Бола савдоси билан боғлиқ содир этилган жиноятлар орасида аниқланмай қолганлари ҳам учраб туради. Шу каби очилмай қолган жиноят орқали фарзандликка олинган бола муносиб турмуш шартотида ўсиб вояга етган, уни ҳақиқий ота ёки онаси даъво қилиб чиқиши ҳолатларига ҳам амалиётда дуч келганмиз ва бу ҳуқуқий коллизияларни вужудга келтиради.

Бундан ташқари, фуқаролар томонидан фарзандликка олиш билан боғлиқ масалаларда дуч келадиган турли қийинчиликларни ҳал этишда амалий ёрдам сўраб турли давлат идораларига мурожаатлар йўллаш ҳолатлари кўп учрайди.

ХОРИЖИЙ ТАҶРИБА

Германия, Жанубий Корея, Латвия, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон каби мамлакатларда фарзандликка олиши мумкин бўлмаган шахслар доирасини белгилашда улар Жиноят кодексининг айнан қайси турдаги жиноятларини содир этишда айбдор деб топилиб, ҳукм қилингани аниқ белгиланганини қўришишимиз мумкин.

Жумладан, **Германия** қонунчилигида фарзандликка олишда ёш цензи белгиланган. Унга кўра, фарзандликка олувчилардан бири 25 ёшда бўлиши керак, чунки Германияда фуқаролар 25 ёшда тўла лаёқатга эга ҳисобланади. Шунингдек, фарзандликка олувчилардан яна бирининг ёши, қоида тариқасида, 21 ёшдан кичик бўлмаслиги белгиланган. Бундан ташқари, Германия қонунчилигида 2020 йилда киритилган ўзгаришларга кўра, турмуш қурмаган ва ёлғиз яшовчи фуқаролар ҳам фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин. Фарзандликка олишда фарзандликка олувчиларнинг шахси, оилавий муносабатларини мустақам экани, уларнинг соғлиғи, доимий даромад манбаига эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Статистик маълумотларга кўра, Германияда 2018 йилда 3 733 бола фарзандликка олинган бўлса, бу кўрсаткич 2017 йилда 3 888, 2016 йилда 3 976 ва 2015 йилда 3 812 нафарни ташкил этган.

Россия Оила кодексининг 127-моддасига кўра, шахсинг жинсий эркинликка, ҳаёт ва соғлиққа, шахсинг эркинлиги ҳамда шаъни ва қадр-қимматига қарши, шунингдек, оила ва вояга етмаганларга, жамоат саломатлиги ва жамоат ахлоқига, жамоатчиликка, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этишда айбдор деб топилиб, ҳукм қилинганлар фарзандликка олиши мумкин эмас.

Озарбайжон Оила кодексининг 120-моддасида ҳам шундай турдаги жиноятларни содир этган-

ликда айбдор деб топилган шахслар фарзандликка олувчилар бўла олмаслиги назарда тутилган.

Латвия фуқаролик қонунчилигида мувофиқ, зўравонлик ва зўрлик ишлатиш таҳдиди билан содир этилган жиноий ҳаракатлари, шунингдек, ахлоқ ва жинсий эркинликка қарши жинояти учун судланган шахслар судланганлик ҳолати бекор қилинган ёки олиб ташланганидан қатъи назар ҳамда ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ва унга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланган шахслар фарзандликка олувчилар бўла олмайди.

ҚОНУНИЙ ЕЧИМ

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида фарзандликка олиш билан боғлиқ қонунчиликини такомиллаштириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, бу соҳадаги чора-тадбирлар охириги йилларда янада жадаллашди.

Бу йўналишдаги амалий ишларнинг мантиқий давоми сифатида **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили”**да амалга оширишга оид давлат дастурининг 176-бандида фарзандликка олиш амалиётини ўрганиш ва бу бўйича ҳуқуқий асосларни қайта қўриб чиқиш лозимлиги белгиланди.

Олиб борилган кенг қамровли таҳлиллар натижасида **“Фарзандликка олиш тартибининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун қабул қилинди.

Қонун билан Оила кодексига ҳамда “Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида”ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Чунончи, фуқароларга фарзандликка олиш билан боғлиқ қатор энгилликлар яратилди. Муқаддам қасддан жиноят содир этган шахсларга содир этилган ва айбли деб топилган қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб фарзандликка олишни тақиқлаш қондаси жорий этилди. Ўғли Жиноят кодексига келтирилган **268 та жиноят туридан 103 тасини (38 фоиз)** содир этишда айбли деб топилиб, жазо муддатини ўтаганларга фарзандликка олиш билан боғлиқ чекловлар бекор қилинди. Қувонарлиси, ижтимоий аҳамияти катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят турлари — тухмад, ҳақорат қилиш, жимсоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, муаллифлик ёки иxtиpочилик ҳуқуқларини бузиш, учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга ҳилоф равишда олиб

қилиш, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш, тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик қоидаларини бузиш, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, тоғ-қон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини бузиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш сингари жиноятларни содир этганликда айбли деб топилган ва жазо муддатини ўтаган шахсларга фарзандликка олиш имконияти берилди.

Шу билан бирга, айрим шахсларга фарзандликка олиш тақиқланмоқда.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган жиноятлар содир этган, жинсий эркинликка, оилага, ёшларга, ахлоққа, шахсинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига таҳдид солган фуқаролар шу тоифа сирасига кириди.

Ўзбекистон Республикасига қарши, ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан боғлиқ, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, тижоратда ёхуд нодавлат тижорат ташкилотининг хизматчисини пора звазига оғдириб олиш, бошқарув тартибига ҳамда одил судловга, жамоат хавфсизлигига, тартибига қарши жиноятлар содир этганлар ҳам бу ҳуқуқдан маҳрумдир.

Шунингдек, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки қадр-қимматни қамситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга мойил, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилишдан иборат ва ҳарбий мансабдорлик жиноятларини, оғир (5 йилдан 10 йилгача) ва ўта оғир (10 йилдан ортқ) турдаги жиноятларни содир этган шахсларга фарзандликка олиш тақиқланмоқда.

Қолаверса, боланинг энг устувор манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, фарзандликка олишга монелик қиладиган касалликларга чалинган шахслар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланиши белгиланди.

ЎЗГАРИШЛАР САМАРАСИ

Фарзандликка олишни энгиллаштиришга қаратилган юқоридаги ўзгаришларнинг қонунчилика киритилгани, аввало, Конституциямизда белгиланган бола ҳуқуқлари ҳимояси таъминланишида муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврдаги Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш, улар асосида белгилаб олинган миллий мақсадларга биноан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими манзиллилиги ва самарадорлигини қучайтириш, ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари сифатини ошириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари доирасига муҳтожларнинг барчаси тўлиқ қамраб олинишига эришиш йўлидаги муҳим қадамларнинг амалий давоми ҳисобланади.

Болаларнинг қонунда белгиланган тартиб ва асосларда оилага фарзандликка берилиши уларнинг муносиб турмуш шартотида вояга етишишга ҳамда ҳар томонлама баркамол ривожланишига замин яратиши билан бир қаторда жиноий ҳаракатлар натижасида вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий коллизияларнинг олдини олади.

Мухтасар айтганда, қонунчиликдаги мазкур ўзгаришлар бола ҳуқуқлари тўлақонли ҳимоя қилиниши таъминланишига, болаларни қонунга эид равишда фарзандликка олиш, айниқса, бола савдосига оид жиноятларнинг олди олинишига, пировардида бола ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати янги босқичда ва юқори сифат даражасида давом этишига хизмат қиладди.

НАВҚИРОН АВЛОД

“ЁШЛАР ДАФТАРИ” — КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ

Мамлакатимизда ёшлар манфаатини ҳимоя қилиш, орзу-умидлари, иқтидор ва салоҳиятини рўёбга қариш, уларни тадбиркорликка ўргатиш, касбий малакасини ошириш орқали бандлигини таъминлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Жумладан, “Ёшлар дафтари” айни шу мақсадга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Айтиш жоизки, 2021 йилнинг январь ойида ўтказилган хатлов ва ўрганишлар натижасида “Ёшлар дафтари”га ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган 591 минг 13 нафар ёш киритилди. Улар билан тизимли, манзилли иш йўлга қўйилди.

Бундай йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш учун ҳар бир туман (шаҳар)да молиявий манбалари аниқ белгиланган алоҳида “Ёшлар дафтари” жағғармалари ташкил этилди. Уларда моддий қўмакка йўналтириладиган 231,8 миллион сўм маблағ шакллантирилди. Чора-тадбирлар натижасида айни пайтгача 560 минг 385 нафар (94 фоиз) йигит-қиз “Ёшлар дафтари”дан чиқарилди.

Мазкур дафтар ҳаётга татбиқ этилиши билан эҳтиёжманд, кам таъминланган оилалар, ижтимоий қўмакка муҳтож хотин-қизлар ва ёшлар турмуш тарзида туб ўзгаришлар юз берганига барчамиз гувоҳимиз. Қўйида бандлиги таъминлангн, ҳаётда ўз ўрнини топган қизларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишишингиз мумкин:

Айгул ДАДЕБОВЕВА,

Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош тумани:

— Бу йил ҳаётимнинг янги саҳифаси бошланди, десам адашмаган бўламан. Сабаби, мактабни битириб, олий таълим муассасасига ўқишга кира олганимни етмаганидек, ҳунарсиз ҳам эдим. Ёшлигимдан тикувчиликка қизиқшим баянд бўлган, лекин тикув машинасини олишга қурбимиз етмас эди. “Ёшлар дафтари”га киритилишим ва субсидия асосида тикув машинасини олишим ҳаётида туб бўрилиш ясади. Бу эса, ўз навбатида, ўзимда катта куч, зиммамда катта бир маъсулиятни ҳис қилишимга сабаб бўлди.

Ҳозир тикувчилик билан шуғулланиб, ҳафтасига беш юз

минг, ойига икки миллион сўмдан ортққ даромад топапман. Тўғри, бу унча кўп эмас, лекин олдимда турган катта мақсадлар, янги режаларни амалга ошириш йўлида рағбатлантирувчи омил вазифасини ўтапти. Тажрибамни яна ошириб, тикувчилик касбининг янги қирраларини кашф этиб, фаолиятимни кенгайтиришни мақсад қилганман. Шунингдек, маҳалламиздаги тикувчиликка қизиқиши юқори қизларга белгиларимни ўргатмоқдаман.



Диёра МУХТОРОВА,

Сирдарё вилояти Сардоба тумани:

— “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ташкил этилгани айниқса, чекка ҳудудларда ўз натижасини бермоқда.

“Ёшлар дафтари”га киритилганим боис, Ёшлар ишлари агентлиги Сардоба туман бўлими кўмағида тадбиркорлик ўқув курсларида ўқиб, сертификат олдим. Сўнг банкдан ёшларга берилётган имтиёзли кредитдан фойдаланиб, тадбиркорликни йўлга қўйдим. Асаларчилик йўналишида иш бошлаб, ўзим ва укамнинг бандлигини таъминладик. Ҳозир оиламизга қўшимча даромад келтириш билан бирга, халқимиз дастурхонига ўзимиз етиштирган табиий асал етказиб бермоқдамиз.

Бундан оила аъзоларим ҳам хурсанд. Келажақда фаолиятимни кенгайтирмоқчиман. Асални қайта ишлаш цехини қуриш ниятим бор.

Дилрабо РАВШАНБЕКОВА,

Жиззах вилояти Янгиобод тумани:

— 2019 йилда мактабни тамомлаганимдан сўнг олий таълим муассасасига ҳужжат топширдим. Лекин ҳеч омадм келмади. Утган йили ноябрда уйимизга маҳалла фуқаролар йиғинидан вакиллар келиб, қизиқишларим, келгуси режаларим ва ўз йўлиمنى топшим учун нима ёрдам кераклиги ҳақида сўради. Бу мен учун фавуқлодда хайратланарли воқеа эди. Кейин билсам, менга ўхшаган ёшларга кўмаклашиш, тўғри йўл кўрсатиш мақсадида “Ёшлар дафтари” жорий этилган экан.

“Ёшлар дафтари”га киритилдим. Шунда олдимга аниқ мақсад қўйишим кераклигини англадим. Чунки энди ёлғиз эмасдим. Қадамим дадиллашди, мақсадим ойдинлашди.

Ҳаммаси шундан кейин жадаллашиб кетди. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун ёрдам сўраб Ёшлар ишлари агентлигига мурожаат қилдим. Агентлик кўмағида тадбир-

корлик курсида ўқидим. Шу йил март ойида менга Халқ банки 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратди. Бу пулга 4 та тикув машинаси ва керакли анжомларни харид қилиб, тадбиркорликни йўлга қўйдим.

Сўнгги олти ойда ўзимга ўхшаб айни дамда қийналиб қолган, “Ёшлар дафтари”га киритилган 3 нафар қизни ҳам иш билан таъминладим.

Утган йилнинг шу қунлари кимдир менга “Келгуси йили катта натижаларни қўлга киритасан”, деса ишонмасдим. Ҳозир ойига ўртача 5-6 миллион сўм даромад топаман. Бугун илгари орзу қилган ҳамма нарсам бор.

Ҳилола НАМОЗОВА,

Бухоро вилояти Вобкент тумани:

— Мамлакатимизда ноғиронлиги бўлган шахсларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнларда бошқалар қатори тенг ҳуқуқли иштирок этиши учун зарур шарт-шароит мавжуд.

Менинг ҳам имкониятим чекланган. Шунга қарамай, тикувчилик билан шуғулланиб келяпман. Фаолиятимни кенгайтириш ва патдўзликка мўлжалланган тикувчилик машинаси олиш учун Ёшлар ишлари агентлигининг туман бўлимига мурожаат қилдим. Бўлим томонидан 3,5 миллион сўм маблағ ажратилди. Унга тикув машинаси харид қилиб, айни пайтда оиламизга иқтисодий жиҳатдан қўмаклашиш билан бирга, маҳалламиздаги тенгдошларимга касб-ҳунар ўргатяпман.

Президентимиз томонидан барча ёшларга, жумладан, кам каби имконияти чекланганларга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани кўксимни ғурурга тўлдириди. Келгусида имконияти чекланган ёшлар учун ўқув маркази очишни режалаштиряпман.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.



ҚАНОТ ЁЗАЁТГАН АГРОМАРАФОН ёхуд аграр соҳа маёғини баланд кўтараётган ёшлар

**Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Бу йўналишда, айниқса, ёшлар сафи кенгайиб бораётгани айтиш мумкин. Ҳар бир ҳудудда ўнлаб, юзлаб ёш фермер, ва деҳқонларни учратиш оддий ҳолга айланди. Масалан, айни дамда юртимизда 27 мингдан ортиқ ёш деҳқон ҳамда 11 мингдан зиёд фермер йигит-қиз фаолият юритмоқда. Улар мамлакат иқтисодиёти ривожига, аҳоли бандлигини таъминлаш, ички бозорга арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришга сезиларли ҳисса қўшяпти.

Ана шундай фаол ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалигига замонавий технологияларни жорий қилиш, рақамлаштириш жараёнини интенсифлаштириш, тармоқ вакилларини улардан хабардор этиш ҳамда деҳқон ва фермерларнинг тизимга оид билим-кўникмаларини ошириш муҳим вазифалардан бирига айланган. Шу мақсадда Ёшлар ишлари агентлиги, Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши ҳамда Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги ташаббуси билан юртимизда илк бор “Агромарафон” мотивацион лойиҳаси ташкил этилди.

Марафоннинг дастлабки босқичига 28 сентябрь куни Тошкент вилоятида старт берилди. Юқори Чирчиқ туманида жойлашган “AKIS” марказида ўтган очилиш маросимида 300 га яқин ёш фермер ва деҳқон, қишлоқ ҳўжалиги соҳасига қизиққан ёш тадбиркорлар ҳамда Тошкент давлат аграр университети талабалари жам бўлди. Улар шу ернинг ўзида малакали мутахассислар иштирокида ўтган учрашув, тренингларда қатнашди, соҳани ривожлантиришда қўл келадиган

дунёдаги илғор тажриба ва замонавий воситалар билан танишди.

“Агробизнесда менежмент” махсус тренинги доирасида замонавий агрокорхоналарнинг тажрибали вакиллари ҳам иштирок этди. Хусусан, “Teodoga Goods” компанияси директори Дилдора Отажоновна, “Мевали” компанияси директори Мансур Раҳимов, “Fruit house Organics” ва “Norchontoi” компанияси асосчиси, боғдорчилик бўйича маслаҳатчи Шухрат Аббасов, тадбиркор Ойбек Қосимов, БМТ хузуридаги Глобал тупроқ ҳамкорлигининг Ўзбекистондаги координатори, тупроқшунос Шавкат Холдоров шахсий тажрибада синовдан ўтган тавсиялари, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги тадбиркорлиқнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўзлаб беришди.

— Ушбу марафон аграр соҳада фаолият юритаётган ёшларни иш бошлаш истагидаги йигит-қизлар, юқори натижаларга эришган агротадбиркорлар, ёш деҳқон ва фермер учун катта мотивация бера оладиган қулай платформа, тажриба алмашинув майдончаси бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди “Агромарафон” лойиҳаси муаллифи, Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши раиси Маҳмуд Иноятлов. — Лойиҳа доирасида юртимиз бўйича 10 000 дан ортиқ ёш учун 30 дан зиёд учрашув ташкил этиш кўзда тутилган. 210 дақиқа давом этадиган мазкур учрашувларда соҳа мутахассислари, агротадбиркорлар томонидан ёшларга энг замонавий воситалар ёрдамида қишлоқ ҳўжалигига доир муҳим мавзуларда билим бермоқда. Қувонарлиси, ҳудудларда йигит-қизлар ушбу марафонга юқори қизиқиш билдириб, фаол қатнашяпти.

Марафоннинг илк тадбири Тошкент вилоятида ўтказилиши бежиз эмас. Боиси, қишлоқ



ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган бу ҳудудда соҳани ривожлантириш имкониятлари анча юқори. Вилоятдаги барча тармоқларда кластер тизими кенг жорий этилмоқда. Хусусан, 2018-2021 йилларда 50 та агрокластер фаолияти йўлга қўйилиб, бугунги кунда ялпи қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг 20,5 фоизи улар томонидан тайёрланмоқда. Натижада сўнгги 5 йилда тармоқда 31,5 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Айниқса, мева-сабзавотчилик кластерлари сони бўйича ҳудуд мамлакатимизда етакчилик қилмоқда. Бир йил ичида вилоятда 190 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилиш ҳисобига 24 та шундай кластер фаолияти йўлга қўйилди. Тахлилларга кўра, 2020-2021 йилларда улар томонидан ўтган даврга нисбатан маҳсулот етиштириш ҳажми 115,6 фоиз ошганини кузатиш мумкин. Яна бир эътиборли жиҳати, 35,4 миллион долларлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинди.

Ҳудудда қишлоқ ҳўжалигининг бошқа йўналишлари ҳам жадал ривожланишда. Аҳоли, айниқса, ёшлар агротадбиркорлиқнинг янги турларида ўзларини синаб кўрмоқда. Жаҳоҳир Маждидов ҳам имтиёзли кредит олиб, “чувалчанг бизнеси” номи билан машҳур бўлган фаолиятга қўл ўрди. Марафонда катта мотивация олган ёш йигит келгусида ўзи бошлаган ишни янада кенгайтириб, бу орқали кимёвий ўғитлардан зарарланган ерларни махсус чувалчанглар ёрдамида тозалаш, тупроқ унумдорлигини оширишни мақсад қилган.

“ЯНГИ ҒОЯЛАР ОЛЯПМИЗ”

Мамлакатимиз бўйича 300 га яқин мутахассис жалб этилган “Агромарафон”нинг кейинги манази Қорақалпоғистон Республикаси Бериуний тумани бўлди. 7 октябрь куни бўлиб ўтган тадбирларда 300 дан зиёд ёш иштирок этди. Учрашувлардан аввал марафон жамоаси ва йигит-қизлар тумандаги “Кашфиётчи ёшлар” иссиқхонасига ағросаҳат қилди. Бу ерда замонавий гидропоника усули жорий қилинган. Иштирокчиларнинг айримлари иссиқхонадаги янги инновациялар, технологияларни кўриб, уларнинг қандай ишлаши билан қи-

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ, ТАДБИРКОРЛАР ДАРОМАДИ ОРТМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Ҳужжатда тижорат банклари томонидан кредитлар “етақчи” тадбиркорлик субъектларига йиллик 10 фоиз ставкада битта маҳалла учун 2 миллиард сўмгача миқдорда ажратилиши кўзда тутилган. Ушбу янгила ёндашув Андижон вилоятининг ўзида ҳам жайрилиш кўламининг янада кенгайишига хизмат қилаяпти. Пировардида оғир иқтимоий вазиятда яшаётган фуқаролар оиласига қисқа муддатларда даромад кириб келмоқда.

Шахрихон туманида 306 минг 400 га яқин аҳоли истиқомат қилади. Туманда аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ва ривожлантириш учун уларнинг қизиқиш ва истакларидан келиб чиққан ҳолда, турли соҳада иш юритаётган етакчи тадбиркорларга бириктирилди. “Оқ олтин” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 107 та хонадон билан “Водий инвест зийнати” АЖ оилавий корхонаси раҳбари Анваржон Ҳошимов ўртасидаги ҳамкорлик фикримиз далли. Корхона 200 дан 500 тагача “Броллер” жўжаларини тарқатиб, бир ойдан кейин аҳолидан қайта сотиб оляпти. Бундан тадбиркор ҳам, оилалар ҳам даромад кўрапти.

Мисол учун жамиятда 40 минг жўжа парвариши учун шартнома бор. Лекин аҳоли хонадонларидаги эҳтиёж уч баробар, яъни 120 мингга ва ундан ҳам ортиқ. Жўжаларни тарқатиш орқали ҳар бир оила

200 тасини парвариш қилиши эвазига 2 миллион сўмдан юқори, агар 500 тага имкони бўлса, 3,5-4 миллион сўмдан даромад олмақда.

— 5 нафар фарзандим бор. Мен болалар тарбияси билан бандман, — дейди Мушарраф Воҳидова. — Турмуш ўртоғимга қишлоқда иш йўқ. Яқинда оиламиз етакчи тадбиркорга бириктирилди. Дастлаб 200 та, кейин 400 та жўжани парвариш қилдик. Ҳозир бир ойда 4 миллион сўмгача даромад оляпмиз.

“Оқ олтин” маҳалласи туман марказидан 15 километр узоқликда жойлашган. Маҳаллада ишлаб чиқариш корхонаси йўқлиги, иқтимоий-иқтисодий ривожланишдан орқада қолгани боис, ишсизлик даражаси юқори бўлиб келган. Сектор ва иқтисодий мажмуа раҳбарлари томонидан хонадонлар билан учрашув ўтказилиб тадбиркор бўлиш истагидаги оилалар етакчиларга бириктирилди.

— Шу асосда уларнинг 80 таси жўжа парваришлаш туфайли доимий даромадга эга бўлди, — дейди маҳалла раиси Бахтиёр Аҳмедов. — Жўжалар ҳам, уларни боқиш учун махсус жой ҳам бепул қуриб бериляпти, озуқа билан таъминланаяпти, ветеринарлар ҳар икки-уч кунда назорат

қилиб, парваришлашни ўргатиб борапти. Дони уч маҳал ўз вақтида берилиб, қаров яхши йўлга қўйилса бўлди. Жўжалар етилган, тадбиркорнинг ўзи сотиб олади. Бунинг орқасидан ойига 4 миллион сўмгача даромад топаётганлар бор.

“Тўлқин” маҳалла фуқаролар йиғинида эса касаначилик асосида тикувчилик йўлга қўйилган.

— Тиббиёт ходимлари учун махсус кийимлар айланиш шў маҳаллада тайёрланади, — дейди тадбиркор Хуришда Аҳмаджоновна. — Ўз фаолиятини хонадонларга кўчиргани боис, ёш болалар аёллар ҳам бир ойда 3-4 миллион сўмгача даромад қилмоқда. Биз Фарғона водийсидаги тиббиёт муассасаларидан 2 миллиард сўмга буюртма олганмиз. Буюртмани кооперация асосида бажаришга эътибор қаратилган. Шунинг учун хотин-қизларни аввалига тикувчиликка ўргатиб, кейин иш берапмиз.

— Турмуш ўртоғим вақтинча ишсиз, қайнонам нафақада, тўрт қизим бор, — дейди тикувчи Назокат Мирзаева. — Шунинг учун ушбу тадбиркорлик бизга жуда асқотаяпти. Кийим-кечак тикишнинг ўзидан кунига 150 минг сўмгача даромад толяпман. Болаларим ёнимда, қай-

нонамга ҳам қарашнинг имконияти бор. “Тараққиёт” маҳалла фуқаролар йиғинида эса пойабзал тикишга асосий эътибор қаратилган. Бу жараён ҳам айнан касаначилик асосида олиб бориляпти. Айни пайтда 24 та хонадонда асосан хотин-қизлар томонидан оёқ кийимлар асоси тайёрланади. Махсулот сонига қараб ҳақ тўланиши эса оила вакилларининг ишга бўлган қизиқишини оширмоқда.

Марҳамат туманида вилоят иқтисодий мажмуаси томонидан ўтказилган хатловларда 76 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 12 таси иқтимоий-иқтисодий ривожланишдан орқада қолаётгани ва ишсизлик даражаси юқори экани аниқланган эди. Ушбу масканларда 4 та йўналишда янгила ишлаш тизими жорий қилиниб, тадбиркорлар ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўрди. Натижада уларнинг 1510 таси етакчи ишбилармонларга бириктирилди.

“Қадрдон дўстлар” масъулияти чекланган жамиятининг 1 гектарлик иссиқхонасида булғор қалампери етиштирилади. Экспортбон ушбу маҳсулотнинг бозордаги баҳори нархи 2 долларгача етади. Тадбиркор эндиликда ўз фаолиятини янада кенгайтириб, ривожланишдан ортада қолаётган маҳаллалар, иш билан банд бўлмаган аҳоли хонадонларига кўчиришни мақсад қилди. Натижада унинг томорқаси 8 гектари ташкил этиб, маҳсулот етиштириш ҳажми ҳам ортиди. Бу ишлар дастлаб хонадонларга бепул иссиқхона қуриб беришдан бошланди. Икки, тўрт сотихдан қурилаётган иссиқхоналарга агроном ҳам бириктирилган.



Ҳисоб-китобларга кўра, булғор қалампирининг ўзидан икки сотих майдондан бир йилда 14 миллион сўмгача даромад қилиш мумкин. Агар иккинчи, учинчи экинга ҳам ҳаракат қилинса, бу кўрсаткич 4 баробар ортади. Мисол учун, Насибхон Расулованин яқинда қурилган иссиқхонасида бодринг етилиб қолди.

— Булғор қалампери экилгунга қадар томорқага яна уч экин экиб оламиз, — дейди Насибхон.

Тадбиркорлар ишни кооперация асосида ташкил этиш билан бирга, маҳаллаларда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам йўлга қўйиб, аҳолига муносиб иш ўринлари яратяпти. Мисол учун, ўтган йили Бирлик қишлоғи оғир вазиятда эди. Аҳоли бандлигида муаммолар талайгина, ҳатто коммуниқация тармоқлари эскириб, муддатини ўтаб бўлганди. “Етакчи” тадбиркор томонидан бу қишлоқда 5 миллион сўм эвазига янги гузар мажмуаси қурилди. 15 та хизмат кўрсатиш тури, спорт майдонлари, чевархона, тўйхона ва чойхона қишлоқ аҳолиси учун чинакам тухфа бўлди.

Соҳиба Тургунова ҳам шу вақтгача ишсиз эди. Икки нафар фарзанди билан бирор-бир йомушининг бошини тутолмади. Янги ташкил қилинган тизим эса, уни яхшигина касаначи бўлишга ундади. Тадбиркор томонидан берилган янги, замонавий тикув машинасида ҳар куни буюртма асосида маҳсулот тайёрлаб, 90 — 100 минг сўмдан ҳақ олмақда.

Туманининг олис, ривожланишдан орқада бўлган ҳудуди — Полвонтош қишлоғи. Хатлов натижалари 30 нафар хотин-қизнинг ишсизлигини кўрсатди. Излаган имкон топади, деганлардек, масъулияти чеклан-

ган жамият томонидан фойдаланилмай турган бинода ўқув ва амалиёт хонаси ташкил қилиниб, аёлларга тикувчилик ўргатилди. Ҳозир эса, опа-сингилларимиз хонадонларининг ўзида буюртма асосида маҳсулот тайёрлаб даромад олмақда.

Мухтасар айтганда, Андижон вилоятида “маҳаллабай” ва “хонадонбай” тизимлари орқали ана шундай хайли ишлар кўлами кенгайиб борапти. Хатлов натижасида аниқланган оғир иқтимоий вазиятда яшаётган, иш билан банд бўлмаган фуқароларнинг бандлиги таъминланаяпти. Тўғри, авваллари ҳам шундай ишлар қилинган. Лекин оилаларга ажратилган кам фойзли кредитларнинг қайтариш даражаси ўзини оқламади.

Эндиликда ҳар бир оила, ҳар бир хонадонини тадбиркорликка жалб қилиш, камбағалликдан чиқариш, турмуш шароитини яхшилаш чоралари қурилмоқда. Сектор раҳбарлари эса инфратузилма масалалари, йўлларни тартибга келтириш, маҳаллаларни обод қилишга қаратилган манзилли дастурлар ижросини таъминлашга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

**Ғайратбек СИРОЖИДДИНОВ,
журналист**



БОҚИЙ МЕРОС

Бахши

ДОСТОН КҮЙЛАСИН

Ўрозали ТОШМАТОВ,
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти
профессори

Муқаддам бу услубда куйлайдиган бахшилар Самарқанд, Навоий, Тошкент, Жиззах, Наманган вилоятларида ҳам бўлган ва кейинчалик турли сабабларга кўра, бутунлай фаолиятни тўхтатган ёки жуда камчилишни ташкил этади. Бунинг сабабини тингловчиларда кўриш лозим. Қарерда бахшилар аҳолининг оилавий маросимларида тақлиф этилиб, оддий рағбатлантириш ола, шу ерда бахшилар сақланган, аксинча, бахшилар эътибордан четда қолган жойларда ўз фаолиятини давом эттирмаган ва шо-гирдлар тайёрламаган.

Хоразм достон ижрочилиги услуби юқоридаги ижрочилик услубидан кескин фарқ қилади. Яъни бахшилар достон қўшиқларига тор чолғусида жўр бўлади, уларга доира ва буламон чолғуси ҳам қўшилади. Бахши очик овозда сўзлайди ва куйлайди. Шунингдек, Сурхондарё-Қашқадарё услубидан фарқли ўлароқ, достон қўшиқлари алоҳида ҳолда ҳам куйланади. Шунинг учун ҳам Хоразм халқ қўшиқлари номи остида куйланадиган қўшиқларнинг ярмидан кўпини достон қўшиқлари ташкил этади. Хоразмлик кўлаб машҳур қўшиқчилар дастлабки таълимни бахшилардан олган бунинг исботи бўлади. Масалан, Комилжон Отаниёзов ва Очилбек Матчонов шундай мактабни ўтаган.

Қорақалпоқ достон ижрочилиги услубининг ўзи икки йўналишга бўлинади. Қаҳрамонлик достонларини яққа ҳолда кўбиз чолғуси жўрлигида, ички овозда куйловчилар жўров деб аталади. Оламуўноқ дутори (қорақалпоқлар чаладиган металл торли дутор шундай аталади)ни чалиб очик овозда лирик достонларни куйловчиларни бақси деб

аташади. Уларга анъанавий уч торли гижжак ва буламон чолғучилари жўр бўлади.

Соҳага қаратилган эътибор асосида, биринчи навбатда, таълим тизимида бахшиларни тайёрлаш вазифалари кўйилган эди. Бунинг натижаси ўлароқ, Термиз ва Нукусда бахшилар тайёрловчи махсус мактаб-интернатлар, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистоннинг болалар мусика ва санъат мактабларида бахшичилик санъати бўлимлари ташкил этилди. Шу билан бирга, бошқа вилоятлардаги аксарият болалар мусика ва санъат мактабларида ҳам шундай бўлимлар иш бошлади. Олий таълимда достон ижрочиларини тарбиялаш мақсадида 2019/2020 ўқув йилидан Юнус Ражабий номидаги Миллий мусика санъати институтида махсус бўлим очилиб, унда 3 (Сурхондарё-Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоқ) йўналишдаги бахшилар тайёрланиши йўлга қўйилди. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида бахшичилик йўналиши бўйича болалар мусика ва санъат мактабларида дарс бераётган ўқитувчиларнинг малакаси оширилдиган бўлди.

Бахшичилик билан шуғулланаётган ижрочиларни бирлаштириш мақсадида Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари ва Қорақалпоғистонда давлат ансамбллари, бошқа вилоятларда эса, вилоят ансамбллари ташкил этилди.

Хозиргача икки марта Бахшичилик санъати халқаро фестивали ташкил этилиб, унинг доирасида халқаро илмий-амалий анжуманлар ўтказилди. Фестивалнинг ЮНЕСКО ташкилоти шафелигида, қатор халқаро ташкилотлар иштирокчида ўтказилаётгани бахшичилик санъатига дунё миқёсида эътиборнинг даражасини белгилайди.

Нукусда ўтказилган фестиваль давомида яна бир хайрли ишнинг натижаси билан танишдик. “Алломиш



медиа” хусусий қорхонасини бошқараётган тадқиқотчи Ўктам Ҳакимов Термиз шаҳрида ўтказилган халқаро фестиваль доирасида ўзининг “Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам” китоби тақдимиотини ўтказган эди. Бу фестивалга ҳам у жуда аjoyиб совға билан келибди. Ўтган икки йил мобайнида у шахсий маблагли эвазига экспедиция уюштириб, “Алломиш” достонининг ҳозирги кундаги вариантини 18 нафар ижрочидан ёзиб олиб, ягона достон сифатида видео ва аудиовариантда тайёрлаган. Бунда у ҳар битта ижрочи достоннинг қайси қисмини маҳорат билан, тўлиқ ва тўғри ижро этсагини, шу қисмларини жамланмага киритган ва бу билан “Алломиш” достони ижросининг энг мукаммал вариантларини саралаган. Ўктам Ҳакимов Хоразм достон ижрочиларининг алоҳида, Қорақалпоғистон достон ижрочиларининг алоҳида альбомини яратиб, унга фонотекалар ва шахсий архивларда сақланаётган турли достонларни киритган. Бундан ташқари, Сурхондарё ва Қашқадарё услубида куйлаган марҳум ва ҳозир фаолият кўрсатаётган 12 на-

фар ижрочининг достонларини алоҳида жамлаб, диск ҳолида тақдим этди.

Бахши, жўров ва оқинлар танлови жараёнида муаммолар ҳам кузатилди. Анъанавий равишда ўтказиб келинган танловнинг барча босқичларида кўйилган шартлар кўлаб ёш ижрочиларнинг ўзларини намён қилишига тўқинлик қилиб келаётган эди. Яъни шартга кўра, иштирокчи ўзи хоҳлаган достондан хоҳлаган қисмини ва ўзи танлаган термани ижро этиши керак эди. Табиийки, катта тажриба ва овозга эга (аксарият ҳолларда Ўзбекистон халқ бахшиси унвонига эга) бахшилар бу шартда ҳаммадан яхши натижа кўрсатар, бошқалар эса, эътибордан четда қолар эди. Термиз шаҳрида академик Тўра Мирзаев раҳбарлигидаги ҳакамлар ҳайъати томонидан тажриба сифатида бошқа услуб қўлланди. Яъни ҳар бир ҳудуд учун алоҳида достонлар танланиб, улар қисмларга ажратилди ва рақамланди.

Иштирокчи қайси рақамни (билет асосида) танласа, ўша қисмини ижро этиб бериш шарт қўйилди. Бу услубда ҳатто унвонга эга бахшиларимизнинг айримлари ҳам қийинчиликларга дуч келди. Нукусда ўтказилган танловда жами 79 нафар иштирокчи қатнашиши маълум бўлгандан кейин ҳакамлар ҳайъати ҳар бир ҳудуд учун алоҳида достонларни белгилаб, ҳудди Термиз шаҳридагидек услубда тақсимлади. Бунга қўшимча равишда терма ижросида бадҳа (импровизация) имкониятларини аниқлаш учун ҳар бир ижрочи алоҳида мавзу тақлиф этилди ва шу мавзуда тўғридан-тўғри саҳнада термаларни тўқиш ва ижро этиш шарти киритилди.

Натижа шундай бўлдики, иштирокчиларнинг достонни билиш даражаси анча ўсган. Айниқса, бу ҳолат ёш ижрочиларда яққол кўринади. Бироқ термаларни тўқиш борасида камчиликлар кўп. Мавзуга ёт бўлган матн, матнларнинг сазелиги, қофия ва вазн масалалари жуда ачинарли аҳволда.

Яна бир масала — бахшиларнинг миллий қиймилари хусусида. Халқаро фестивалда юртимиздан иштирок этган бахшиларнинг миллий либосларига эътибор берсангиз, Қорақалпоғистон ва Хоразм бахшиларининг миллий саҳна либосларида камчилик тополмайсиз. Бироқ Сурхондарё-Қашқадарё йўналишидаги иштирокчиларнинг миллий либослари бошдаги дўпни ва чопондангина иборатлигини кузатасиз. Дўпчилар янгиланиши мумкиндир, лекин бу чопонлар ўнлаб йил янгиланмади. Чопон тагидаги қўйлақ, биринчидан, устки либосга мос келмайдиган рангда ва ҳ.к.

Хуллас, энг юқори даражада эътибор қаратиш, зарур маблағлар ажратилаётган бахшичилик санъатининг ривожланиши йўлида қилинадиган ишларимиз жуда кўп.



Ота-боболаримиз сўзни ўз ўрнида қўлаган, инсонларни сўз билан тарбиялаб, сўз ёрдамида уларга малҳам бўлган. Алишер Навоий, Бобур каби буюкларнинг асрлар оша барҳаёт асарлари бугун ҳар биримизнинг юрагимизга сингиб кетган. Улар орқали маънавий ҳаётимиз янада тўйинмоқда. Шу маънода, тил ажодлардан қолган меросни англаб етишимизда, уларнинг даври, замони ҳақида тасаввурларимиз шаклланишига замин яратади. Буюк мутафаккир Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти — бу унинг миллий тили ва адабиётидир”. Бугун ҳам том маънода тилимизнинг юксалиш, ривожланиш даври кечмоқда. Бугун биз яратган асарлар, биз айтган сўзлар келажак авлодлар учун дастуруламал бўлса, не ажаб?

ТИЛИМИЗНИНГ ЯНГИ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Султонмурод ТАШИМОВ,
Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш қўмитаси
раиси маслаҳатчиси

Сўнгги йилларда ўзбек тилини янада юксалтириш, ислоҳ қилиш масаласи кўндаланг қўйилди. Эсингизда бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев 2019 йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда ўзбек тилининг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва нуфузини ошириш бўйича вазифаларни санаб ўтиб, барча соҳаларда ўзбек тилидан тўлақонли фойдаланиш, лотин ёзуви асосланган алифбони такомиллаштириш ва бошқа миллат

Мазкур қонун лойиҳаси кўлаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Маълумотларга кўра, 15 кунлик муҳокама давомидаёқ “regulation.gov.uz”да лойиҳани 26 мингдан зиёд киши кўриб, 1035 та фикр қолдирган. Билдирилган тақлифларнинг 56 фоизи (547 таси) лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбоси ислоҳ қилинишини, 32 фоизи (302 таси) эса амалдаги алифбода қоплишни ёқлаган. Бундан кўринадиги, янги алифбога ўтишни хоҳловчилар кўп. Албатта, тил борасидаги қарашларимиз мустахкам қарор топтоми зарур. Шундан келиб чиқиб, мазкур қонун лойиҳаси муҳокамаси 1 ноябр-га қадар узийтирилди. Ўзбекистонда лотин ёзуви асосланган 28 та ҳарф ва 1 та ҳарфлар бирикмасидан иборат ўзбек алифбосини жорий этиш кўзда тутилган.



вакилларининг тил ўрганиши учун шарт-шароит яратиш муҳимлигини таъкидлаган эди. Шундай экан, лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосига ўтиш олдимида турган ва кечиктириб бўлмас масаладир.

Жорий йил Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор асосида Фанлар академияси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг тилшунос олимлари ва зиёилардан иборат ишчи гуруҳ томонидан “Ўзбекистон Республикасининг “Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

МАЪНАВИЯТ

Абдулла ЎРОЗБОВЕ,
Урганч давлат университети доценти,
Хоразм Маъмур академияси гранти
раҳбари, филология фанлари доктори



Сўнгги йилларда барча соҳаларда кечаётган ислохотлар мумтоз адабиётимизнинг улугъ салафлари қаторида Оғахйга ҳам иккинчи умр бағишлади, деб фахр билан айтиш мумкин. Мавлудига икки юз ўн йил тўлиши арафасида ҳукумат қарори билан буюк шоир, таржимон ва тарихчи бобомиз танланган асарларининг 20 жилдлигини тайёрлаш ва нашр қилишга киришилди. Ўтган икки йилда 8 жилди нашрдан чиқди ва ўқувчилар қўлига етиб борди.

Бу савобли ишлар Президентимизнинг ижодкор зиёлилар билан учрашувда: “Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улугъ ажодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекисё бойликларимиз бор”, деган сўзларининг амалдаги тасдиғи бўлдики, аҳли илмга чексиз куч-қувват, ижодий илҳом бағишлади.

Президентимиз сайловолди дастурида илм ва инновацияларга асосланган янги иктисодиётни барпо этиш, сифатли таълим инсон капиталини ривожлантирувчи ва ҳал қилувчи омил эканини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Бу борада ўтган даврда

таълим тизимида амалга оширилган ислохотлар ўз самарасини бера бошлади. Бунинг кейинги йилларда профессор-ўқитувчилар ва тизим ходимлари маоши 3 баробардан зиёд ошганида ҳам қўриш мумкин. Бу эса таълим тизимида ишлаётган устозларга кучли мотивация бермоқда. Эндиликда мана шу эътибор ва ишонччи оқлаш, халқаро меъёрлар даражасида сифатли таълим бериш масъулияти зиммасига юкланганини ҳис қилибқоқдамиз ва иш йўсинимизни шунга монанд олиб боришга интилялмиз.

Илмга чанқоқ ёшларнинг олий маълумот олиш имконияти йил сайин ошиб бораётгани қувонарли

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмади ва муаллифга қайтарилмади.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 3491.

76222 нуқсадда босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Маллохат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 22:05 Топирилди — 00:15